
3 декабр – Халқаро ногиронлар куни муносабати билан имконияти чекланган халқимиз вакиллари учун муносиб тадбир ташкилланди
Бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган ислохотлар замирида “Инсон қадрини учун” деган эзгу ғояга асосланилади. Мазкур жараёнларда ногиронлиги бўлган юртдошларимизга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, уларни жамиятнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги фаоллигини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

3 декабр – Халқаро ногиронлар куни муносабати билан тумандаги мухташам тантаналар саройида ташкил этилган тадбир ҳам мазкур мақсадларнинг амалий ифодаси бўлди, дейиш мумкин.

Тадбирда туман ҳоқими Жаҳонгир Жуманов сўз олиб, жамият ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган бир гуруҳ фаолларни ва улар орқали барча имконияти чекланган ҳамюртларимизни бугунги сана билан қутлаб, ўз эҳтиёжларига кўра ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари ва бошқа турдаги анжомларни топширди.

Сўзга чиқиш истагида бўлган фаоллар юртимиз, хусусан, туманимизда амалга оширилаётган ишлар, келгусида эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Тўкин дастурхон атрофидаги суҳбатлар шўх куй ва қўшиқлар ҳамроҳлигидаги рақсларга уланиб кетди.

Шунингдек, сана муносабати билан ногиронлиги бўлган халқимиз вакиллари, яқка ёлғиз, уйда таълим олувчи ўқувчиларнинг ҳолидан хабар олинди.













2023-12-04 08:56:22